






«ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЗО ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ


Oltinsoy tumani hokimligi Axborot xizmati December 06, 2022



Маълумки, 2022 йил 8 ноябрда Президентимизнинг «Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги» эсдалик нишонини таъсис этиш борасидаги фармони қабул қилинган эди.




Бугун, 6 декабрь куни Олтинсой туман ҳокимлиги мажлислар залида туман халқ хўжалигининг турли соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилиб барчага ўрнак бўлаётган бир гурӯҳ ҳамюртларимизга эсдалик нишонларини топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.





Тадбирда Олтинсой туман ҳокими Алишер Джумаев ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Анвар Ариповлар иштирок этдилар ва йиғилганларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги билан қизғин табриклишди.



Шундан сўнг “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонларини тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.



Нишон билан тақдирланганларнинг барчаси мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган, Янги Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшаётган инсонлардир. Улар орасида эл-юрт фаровонлиги йўлида жонбозлик кўрсатаётган фермерлар, ёш авлодни Ренессанснинг муносиб ворислари этиб тарбиялаётган ўқитувчилар, маданият ходимлари, мактабгача таълим бўлими раҳбарлари, шунингдек, барча соҳа ва тармоқ вакиллари бор эди.




Эсдалик нишонларини Олтинсой тумани ҳокими А.Джумаев ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари А.Ариповлар тантанали равишда

топширишди. Тақдирланганлар туман ҳокими билан эсдалик учун суратга тушишди.

Биз тақдирланганлардан бир нечтасини сұхбатта тортдик:

—Мен шу лаҳзаларда жуда-жуда хұрсандман,—дейди Олтинсой туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Шавкат Мүминов.—Бу эсдалик нишонини туманимиз ободлигига ва күкаламзорлаштириш ишларида фидокорлик күрсатаётган 160 нафардан зиёд ишчи-ходимларимиз мәхнатига берилған юксак баҳо деб биламан. Камтарона мәхнатимиз қадр топаётган Ўзбекистондек юрт учун ҳар қанча мәхнат қылсак шунча оз.



—Туманимизда болажонларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қамровини юз фоизга етказишни мақсад қылғанмиз. Бу ишда туманимиз ҳокими Алишер Джумаев доимо бизга яқын күмакдош ва маслакдош бўлиб келмоқдалар,—дейди “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони совриндори, Олтинсой туман Мактабгача таълим бўлими ходими Нормамат Абдураззоқов.—Тумандаги мавжуд МТТларни кадрлар билан таъминлаш, барча муассасаларда хорижий тилларни ўқитишни йўлга қўйиш, Учинчи Ренессанснинг ворисларини саводли, маданиятли инсонлар этиб тарбиялаш асосий бурчимиз.

Н.ТЕМИРОВ,

О.СОДИҚОВ.